

Бугун Термиз тумани ҳокими Шухрат Назаров аҳоли муарожаатларини тинглаш ва масъуллар иштироқида ечим излаш мақсадида навбатдаги қабулини ўтказди



Бугун Термиз тумани ҳокими Шухрат Назаров аҳоли муарожаатларини тинглаш ва масъуллар иштироқида ечим излаш мақсадида навбатдаги қабулини ўтказди.

Туман ҳокимлиги биносида бўлиб ўтган қабулда ўнга яқин фуқаронинг моддий ва тиббий ёрдам, уй-жой таъмири, бандлик, газ ва электр энергияси, ичимлик сув таъминоти ва бошқа масалалардаги мурожаатлари тингланди. Бир қанча мурожаат қабул давомида ҳал этиб берилди. Жумладан, ногиронлар кунида ташкил этилган тадбирга келолмаган, байрам совғаси олмаган фуқаронинг мурожаати шу ернинг ўзида ҳал этилиб, совға топширилди.

Ижроси муддат ва қўшимча ўрганиш талаб қиласиган мурожаатлар тегишли мутасаддиларга йўналтирилиб, ижроси назоратга олинди.